

Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислашда қандай ишлар амалга оширилади?

- Биринчи навбатда лазер нивелири ва қўшимча ишчи қурилмаларининг тўғри ишлаши текширилади;
- Дала майдонининг топографик ҳолати ўлчаниб, ерни текислашда кам вақт талаб қиладиган ҳолати аниқланади. Бунда маълум бир қиялик (1-5 %) ёки абсолют текислик (0%) ҳолатига қараб белгиланади;
- Текислаш ишлари тугаганидан кейин даланинг топографик ҳолати қайта текширилади;
- Трактор қуввати ва скреперининг кенглигига қараб 1 кунда ўртача 1-3 гектар дала майдонини лазер нивелири ёрдамида текислаш мумкин.



**Хоразм Агро-
маслаҳат маркази**



ZEF/UNESCO
Хоразм лойиҳаси



Урганч Давлат Университети



**Глобал
Экологик
Жамғарма**



**Глобал Экологик
Жамғармасининг
Кичик Грантлар
Дастури**



Uzbekistan
**БМТнинг
Ривожланиш
Дастурлари**

Фотосуратлар муаллифи: О.Эгамбердиев
Муаллифлар: Қ/ х. ф. н. О.Эгамбердиев, Е.Кан

Манзилимиз:
220100, Урганч шаҳар,
Хамид Олимжон кўчаси, 14

Хоразм Агро-маслаҳат маркази

Тел./Факс: (362) 226-21-19
Интернет саҳифаси: www.KRASS.uz

www.sgp.uz

e-mail: kkrass@ymail.com

ЕРЛАРНИ ЛАЗЕР НИВЕЛИРИДА ТЕКИСЛАШ - ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛИ



Хоразм Агро-маслаҳат маркази



Урганч - 2009

Қишлоқ хўжалигида юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири, экин майдонининг текислигидир. Ушбу йўриқномада қишлоқ хўжалигида ерларни текислашнинг ноанъанавий, янги усулларидан бири бўлган лазер нивелири ёрдамида текислаш тўғрисида қисқача маълумот берилади.


Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш қандай афзалликларга эга?

- Далада суғориш суви сарфи 15 - 20% га тежалади;
- Бегона ўтлар миқдори 10- 12 %га камаяди;
- Дала майдони бир хил намлик таъминланади;
- Уруғларнинг унувчанлиги ва ўсимликларнинг озуқа моддалар билан таъминланиши яхшиланади;
- Сувдан фойдаланиш самарадорлиги 25-30 %га ошади;
- Ҳосилдорлик ўртача 5 - 7 ц/га, иқтисодий самарадорлик 10- 20 % га ошади;
- Дала майдони ҳар йил текислаш ўрнига 3-5 йилда бир марта қайта текисланади.



Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш ўзи нима?

Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш деганда, узунлиги 200 - 250м бўлган дала майдонини юзадаги энг паст ва баланд жойлар фарқи 1 - 2 см.дан ошмайдиган даражада махсус лазер қурилмаларини ишлатган ҳолда текислаш усули тушунилади.



Лазер нивелири ёрдамида текисланган дала майдонида қандай экинлар етиштирилиши мумкин?

Лазер нивелири ёрдамида текисланган дала майдонида сув ва бошқа озуқа моддаларнинг бир хил тақсимланиши боис, барча турдаги экинларнинг



Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш учун дала майдони қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислаш тупроқнинг дала нам сиғими ҳаддан ташқари юқори (35- 40 % тўла нам сиғимли) бўлган ботқоқ ёки тоғ, тоғ олди ён бағрининг юқори қияликлари (35- 40⁰)га эга бўлган тошлоқ тупроқлардан ташқари барча механик таркибли тупроқларда қўлланилиши

Ерларни лазер нивелири ёрдамида текислашдан олдин дала майдони қандай бўлиши керак?

- Тупроқ намлиги тўла дала нам сиғимидан паст;
- Дала майдони ўсимлик қолдиқларидан тозаланган;
- Ер чуқур ҳайдалиб, текисланган;
- Экинларнинг экилиш ва суғориш йўналишлари аниқланган бўлиши шарт.